



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Тахрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсунова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазиева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонов О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Эргашев И. – ф.ф.д., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – псих.д.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамни Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДARIЖA

Tарих

Абдуллаев Э. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобурийлар маънавий меросининг аҳамияти ..4	
Bohodirov I, Juraev B. Turkistonda XIX asr o'rtalarida armiya va harbiy ta'lim (Buxoro misolida).....6	
Йўлдошев А. Қирғизистон ўзбеклари жамоат ташкилотлари тарихига бир назар10	
Патхидинов Р. Фарғона вилоятида безгах касаллиги14	
Раджабов О. Индустриштириш йилларида Ўзбекистон темир йўл тизимининг матбуотда ёритилиши17	
Элимуратова Ш. Давлат намоёниси Усмон Юсулов уй-музейининг ташкил этилиши, фаолиятининг муҳим йўналишлари19	

Фалсафа, Педагогика, Методика, Психология, Социология

Abdullayev N. Biologiya va kimyo fanlariga muvofiq tizimli tahlil asosida fizikani o'qitish metodlari23	
Абдуллаева Ч. Оксионализм в рекламном дискурсе26	
Абдуллажанова Д. Влияния социальных стереотипов как фактор женской активности в управлении30	
Алимова М. Маҳалла институти – жамоатчилик назоратининг бир кўриниши34	
Alimova N. Use of innovative methods in teaching world literature use of innovative methods in teaching world literature37	
Aralov M. Talabalarni o'qitishda dasturiy vositalar yordamida kartalar bilan ishlash hamda tizimli yondashuv asosida o'qitishni takomillashtirish40	
Aslanova N. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mutolaaga qiziqitirishda o'yin-mashqlardan foydalanishning afzalliklari.....44	
Ахмаджонов О. Закономный жамиятда электрон маданиятнинг хусусиятлари47	
Бурханов Х. Раҳамли жамиятда миллий сегмент фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.50	
Valiyeva Sh. The importance of multimedia in education.....54	
Давидов У. Глобаллашув жараёнида миллий гоҳ -мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш омилли сифатида57	
Зиева М. Лойиҳалаш мустақил таълими ривожлантиришнинг дидактик воситаси сифатида60	
Ibraydullayeva U. Ota-onal va farzand o'rtasidagi nizoning psixologik omillari63	
Ибрагимов А. Таълимда когнитив тадқиқотлар: назария, шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари66	
Ishonxanova I. Umumta'lim maktablarining 6-sinfida alisher navoiy hayoti va ijodining o'rganilishidagi muammolar.....69	
Қандов Б. Глобаллашув жараёнида нисон ҳуқуқлари ва эркинлигининг ижтимоий-фалсафий асослари.....73	
Quvondiqov S. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларининг аҳамияти77	
Мирзақудов И. Узлуксиз таълим жараёнида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш80	
Мухамедов А. Юқори малакали спорчилар жисмоний қобилиятларини ривожлантириш усуллари83	
Мухаммадиев К. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия жараёни самарадорлигини такомиллаштириш86	
Назаров С. Жисмоний машқлар орқали ўқувчиларда чарчоқни олдини олиш воситалари90	
Назирова Қ. Узлуксиз мусиқа таълими тизимига инновацион ёндашув92	
Raurova L., Azmedova M. Oliy filologik ta'limda talabalarining o'zqiy kompetentsiyasni rivojlantirishda kredit-mudol tizimiga o'tishning amaldagi holati va istiqbollari95	
Raximov V. Talabalarda sog'lom turmush tarzi hayotiy ko'nikmalarini rivojlantirishning didaktik imkoniyatlarini takomillashtirish98	
Раҳманов Б. Миллий гоҳияни ривожлантириш омиллари101	
Ruziyev A. Brass usulida suzish texnikasini o'rgatish.....105	
Савидова К. Человек как субъект жизни в русской экзистенциальной философии109	
Saidazimova I., Tahirova N. Motivation in foreign language acquisition: analysis of the shift from intrinsic to extrinsic motivation113	
Тошматов А., Рисқулова М. Таълимда мавзулаштирилган видеодарсликлар яратиш117	
Тоштемирова С. Узлуксиз таълим тизимида тарих фанларини ўқитишнинг педагогик стратегиялари120	
Тўраев Ш., Оймиров С., Мухиддинова М. Менежмент тизимларини сертификатлаштириш органларида хавфларни баҳолашнинг жорий қилишнинг асослари124	
Turukulov O., Halimov O'. Muhandis mutaxassislarda matematik kompetentligini rivojlantirish vositasi sifatida ikki karali integrallarni hisoblash usullari.....129	
Туракулова А. Вовлеченность родителей в жизнь детей и её последствия для развития ребенка133	
Umarov B. Post modernist methods of teaching foreign language.....136	
Урунова Ш. Инглиз тили ўқитишда терминологик лексикани ўзига хос хусусиятлари139	
Усмонов А. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларининг аҳамияти142	
Файзиева О. Силовая подготовка в физическом воспитании студентов145	
Xasanova S. Maktabgacha yosh davri bolalarida qo'rquv va xavotirlanish holatlarini yuzaga keltiruvchi omillar149	
Холиқов С. Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий асослари152	

Шамсиев Ў. Мақтабгача ёшдаги болалар ўзини-ўзи англашига таъсир этувчи муносабатлар	156
Эрнирзаев А. Юқори синф ўқувчиларига инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матиларини ўқишни ўргатиш илмий-методик муаммо сифатида	161
Yuldashev U. Bo'lajak mutaxassislarning web-texnologiyalardan foydalanish bo'yicha kasbiy kompetentligini rivojlantirish	165

Филология

Абдувахобова М. Лингвофольклоршунослик ва Симпсон типологияси: фанларара муносабатлар	169
Абдуқаҳҳоров С. Қалин ва маҳр атамаларининг лингвокультурологик таҳлили	172
Абраева Ш. Француз тили лексик системасида латин ва юнон морфемаларининг лингвистик хусусиятлари (тиббийёт матилари асосида)	175
Азимова А. К вопросу выражения модальных признаков в корейском языке (на примере формы долженствования).....	178
Аташикова Н. Учет жанровой специфики при отборе профессионально-ориентированного содержания обучения английскому языку студентов-экономистов	181
Ашурова Н. Рисолат Ҳайдарованинг "Жавъ" романида аёллар образи тасвири	185
Барлибоева С. Сийёсий коммуникацияда лингвопрагматик бирликларнинг қўлланилиши	189
Baxridinova E. O'zbek va nemis tillarida kulgi freymi va uni ifodalovchi leksik birliklar	192
Бекмуродова З. Хиазманинг лингвистик таърифи ва турлари	195
Бердиева Ш. Авторское «я» в мазрифиий романе «Чулпан» Н.Ф.Каримова	198
Ганиев М. Тарихий романда конфликт(Нуралли Қобулниң "Султонниң сўйгги куни ёхуд Амир Соҳибқирин ва Тўхтамишхон" романи мисолида).....	202
Gibraltarskaya O. Representation of artistic systems of XX century Russian writers	206
Dusanova T. Alisher Navoiyning "Mahbub ul-qulub" asarida nasr va nazm uyg'unligi	209
Ёрматова Ё. Жаҳон тилишунослигида интерференция тушунчаси ва унинг турлари	213
Jumayeva M., Jo'rayeva B. Lingvokulturologiya va etnolingvistika munosabati	217
Jo'rayeva B., Ubaydova H. Qarama-qarshilikning lingvistik aspekti.....	220
Ибрагимов Ш., Рашид Айед Р. Ал Ҳарби. Роль и место гражданской журналистики в общественной жизни Саудовской Аравии	224
Исакон Г. Компонентларни алмаштириш усулининг қанотли сўзларда намоён бўлиши	228
Iskandarova D. Semantic structure of food idioms in the English and Uzbek languages.....	231
Каримова Д. Турли фанлар доирасида "ўлим" концептининг мазмуний ифодаланиши	235
Xiaowei Yu. Theoretical foundations of the study of sports terminology.....	238
Мавловова М. Инглиз тилидан ўзлашган ахборот коммуникация технологиялари терминларини ўзбек тили лексик тизмига график, фонетик, семантик мослаштириш жараёнлари.....	241
Мадалиева Д. Философская проблематика романа М.Ю.Лермонтова "Герой нашего времени"	245
Murodova D. Effective language lesson planning.....	248
Отханова М. "Масофа" ва "ҳажм" лексемаларининг лугавий талқинга доир назарий-фалсафий асослари ва амалий тадқиқот йўналишлари	251
Razulova N. Toponyms as lexic and semantic, stylistic component expressing color designation in the english language	255
Расулова Н. Тиббийёт терминларининг айрим ўзига хос хусусиятлари (А.Қосимовнинг «Тиббий терминлар изохли лугатини ўрганиш юзасидан)	258
Рашид Айед Р. Ал Ҳарби. Формы и методы освещения в СМИ вопросов паломничества и туризма	261
Рустамов Д. Драматик асарлар матида морфологик бирликларнинг соқнопрагматик таҳлили	266
Сатимова Д. Инглиз ва ўзбек электрон лугатларида субстандартнинг статистик таҳлили ва унинг таржима муаммолари.....	270
Сафарова Х. Француз тилидан инглиз тилига ўзлашмаларининг диахрон ва синхрон таҳлили	274
Уралов А. Аффиксонлар масаласи ва улардаги номтаносибликлар.....	277
Usarova D., Gausparthi N. Problems and methods of translating legal terminology	280
Цой Т. Изучение фразеологических сочетаний в корейском языке	283
Эганбердиева Г. Способы использования гипербола в сказках и дастанах.....	286
Юсупова Г. Корейс ва ўзбек тилларида узр/кечирим сўраш нутқ ахтиниң ифодаланиши	290
Юсупова Қ. "Озода ва ёруғ томонда" ҳикоясида қаҳрамонлар руҳияти ўртасидаги муштараклик	293



УДК: 81-38

Зебинисо БЕКМУРОВА,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

E-mail: bekmuradovazebiniso4@gmail.com

ЎзМУ профессори, ф.ф.д. А.Э.Маматов таърифи асосида

ХИАЗМНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪРИФИ ВА ТУРЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада баъдий нутқда кенг қўлланиладиган хиазм стилистик фигурасининг пайдо бўлиши, унга тилшунос олимлар томонидан берилган турли таърифлар, шунингдек, француз ва ўзбек тиллари мисолида стилистик жиҳати, таърифси ва турлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: хиазм, лексема, синтактик параллелизм, синтактик функциялари.

LINGUISTIC DEFINITION OF CHIASM AND ITS TYPES

Abstract

This article discusses the emergence of the widely used stylistic figure of chiasm in literary text, its various definitions given to it by linguists, as well as the stylistic aspect, function and its types in the language examples of the French and Uzbek languages.

Key words: chiasm, lexeme, syntactic parallelism, syntactic functions.

ЯЗЫКОВАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ХИАЗМОВ И ЕГО ВИДОВ

Аннотация

В данной статье рассматривается возникновение широко используемой стилистической фигуры хиазма в художественной речи различные его определения, данные ему лингвистами, а также стилистический аспект, функция и его виды на языковых примерах французского и узбекского языков.

Ключевые слова: хиазм, лексема, синтаксический параллелизм, синтаксические функции.

Қиринш. Хиазм лингвистик термин сифатида XIX асрдан бунён мавжуд бўлиб, хиазм лингвистик ҳодиса сифатида эса («антиметабола», «антиметалепсия», «антиметатеза» ёки «коммутация» номлари билан танилган) антик даврдан бери танила бошлаган. Унинг кичикача мазмунини милоддан олдинги I асрда «Янаш учун ейиш, ейиш учун янаш эмас» мисоли билан аноним шахс томонидан «Геррений учун риторика»да келтирилган. Кейинчалик, ушбу конструкция асл маънага мурожаат қилмасдан, бир неча бор турли тиллардаги турли хил асарларда, кўпинча Мольернинг «Зинна» комедиясидан иккинчи сифатида пайдо бўлган.

Маълумот оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Ўзюк пайт ҳеч қим хиазмни ўрганмаган ҳам, у фақатгина риторика, стилистика дарсликлари, энциклопедиялар, лингвистик термин лугатлари ва бошқа инфоромацион нашрларнинг мулки бўлган, ҳолос. Ва ниҳоят, хиазм XX асрнинг сўнгги 10 йилида тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қилди, ҳозирги кунда махсус унга бағишланган бир қанча фундаментал тадқиқотларни кўришимиз мумкин, уларнинг орасида ҳаттоки диссертация ва монографиялар ҳам бор. Булар Э.М.Береговская, Х.Хорвей, И.Мирзасев, О.Мамазиев ва бошқаларнинг ишларига тегишлидир.

Харальд Хорвейнинг монографияси 2 қисмдан иборат мукаммал асардир. I қисмида хиазм унда қандайдир тарзда боғланган инверсия, синтактик параллелизм, тақдорлаш, антитеза шакллари сифатида кўриб чиқилади. Бу ерда унинг стилистик аҳамиятига ҳам баҳо берилади. 2 қисм эса, немис классикларининг айрим асарлари контекстида хиазмнинг таҳлилига бағишланган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Хиазмнинг тузилиши жуда аниқ кўринишга эга: Санъатда ўзини-ўзин эмас, балки ўзини-ўзидаги санъатни сезишни билиш! Бу мисолда хиазм фақатгина ўзининг ташқи жойлашуви жойабдорлигига қарамай, у мураккаб

лингвистик ҳусусиятга ҳам эга. Баъзи энциклопедик манбаларда ва айрим тадқиқотларда хиазмни аълолари ҳосилган қўш антитеза деб атайдилар, яъни олимлар бунда антитеза ва инверсиянинг бирикмасини кўрадилар [1; 2; 9].

Бошқалар эса унга тесқари параллелизм деб баҳолайдилар, яъни улар бунини биринчи навбатда синтактик параллелизм ва инверсия сифатида кўрадилар.

М. Д. Кузнец ва Ю. М. Скребнев хиазмни тақдорий сўзлар орасидаги синтактик алоқаларнинг ўзгариши билан бирга желадиган олдинги жумланинг тузилиши ва лексик таркибини тақдорлашдан иборат бўлган ўзига хос параллелизм сифатида изоҳлайди [7]. Бошқача қилиб айтганда, улар учун хиазм параллелизм ва тақдорланувчи элементлар синтактик функцияларининг ўзгариши билан тақдорланганидир.

М. Л. Гаспаров хиазмни антитетик параллелизм фигураси сифатида таърифлайди [5], яъни унинг қаршида 2 параллел қаторда элементларнинг жойлашуви кетма-кетлигининг ўзгаришидир.

Ж. Дюбуанинг лингвистик терминлар лугатида берган таърифида [1] хиазм иборанинг антитеза ҳосил қилувчи ёки параллелик ўрнатувчи 2 симметрик қисмининг инверсияси сифатида таърифланади. Хиазматик тузилишни ва ундаги антитезанинг факультативлигини, бу таъриф хиазмни ташкил этувчи асосий механизм сифатида инверсия деб аталишини алоҳида таъкидлайди.

Д. Феллинг биринчи навбатда тақдорланувчи қисмларнинг ташқи жойлашушини таъкидлайди. Унинг учун хиазм “2 қарама-қарши жуфтлик ёки қарама-қаршиллик ва тақдорлаш, 2 ўхшашликнинг ўзаро жойлашуви”, яъни тўғридан-тўғри ва тесқари сўз тартибига эга бўлган бинар тузилма бўлиб, унда антитеза ва тақдор бўлиши мумкин.

Антитеза ва тақрор асосий хиазм ҳосил қилувчи фурсат сифатида И. Тодоров таърифида намоён бўлади[3]. Бу ерда хиазм 2 сўз ўртасидаги муносабат бўлиб, гапнинг 2-қисмида ўрин алмаштирилган шаклда тақрорланганлиги таъкидланади.

П. Базинин хиазмда бир томондан, марказ ёки чеккаларида бирикадиган, бошқа томондан, эса бир хил табиатга эга ва бир хил функцияларини бажарувчи элементларнинг қарама-қарши жойлашган 2 синтактик кесилмаларни кўради (AB-BA).

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Шунинг таъкидлаш керакки, "хиазм" тушунчаси турли даражадаги мураккабликнинг 3 асос дифференцияланган турларини ўз ичига олади. Энг оддийси – соф синтактик хиазм бўлиб, бунинг учун фақат синтактик параллелизм билан биргаликда тўлиқ инверсия талаб қилинади. Бундай хиазмнинг ўнг томони синтактик тузилишида чалта симметрик бўлиб, гапнинг барча таркибий чал томонини тескари тартибда тақрорлайди. Масалан:

Ўзбекча мисоллар:

Ақлнинг тағи – нақд, Нақднинг тағи – ақл. (Мақол)

Куз чоғи... тулроклар тезариб қолдилар,
Гезариб қолдилар куз чоғи тулроклар.
Сўнг дамда япроқлар қизариб ёнадилар,
Қизариб ёнадилар сўнг дамда япроқлар. (Чўлпон)

У томондан қарайди,
Қарайди бу томондан... (Эркин Воҳидов)

Французча мисоллар:

S'il n'est pas condamné parce qu'il est coupable, il est coupable parce qu'il est condamné. (A.France)

On aime sans raison, et sans raison l'on hait (Regnard)
Hier j'étais demain, mais demain, je serai hier (Aujourd'hui)

Соф синтактик хиазмнинг бир турни тавтология (кайтарилиш, тақрорланиш) – гапдаги сўзларнинг тескари тартибда тақрорланиши [6]; Биз донмо ёниш ва ўқиниш ўрганишимиз керак. Ёки ўқиниш ва ёнишимиз.

Семантик жиҳатдан мураккаблашган хиазмда жўрида санаб ўтилган тегишли белгиларга яна иккинчи қўшиллади: ўрни алмаштирилган элементларда 2 марта лексик тақрорлаш ва бу элементлар ўртасидаги синтактик вазифа алмашиши:

Катта шонрларга қилмангиз ҳавас,
Сизга ҳавас қилсин катта шонрлар...
Чунки шеър бахтига устозлар эмас,
Муяссар бўлади кўпроқ шогирдлар. (Э.Воҳидов)

Энг яхши одам, асосан, ўз фикри ва бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини билан яшайдиган кишидир. Энг ёмон одам - бошқаларнинг фикрлари ва ўзининг ҳис-туйғуларини билан яшайдиган одам.

On croit que le style est une manière compliquée simple de dire des choses simples, alors que c'est une manière simple de dire des choses compliquées (Cocteau)

Яна бир мисолни қўзатайлик. Бу мисолда хиазмнинг экспрессия саводхлиги қанчалик кучли эканлиги аниқ кўринади:

Ирмоқнинг охири – дарё. Дарёнинг деңгиз. (Мухаммад Юсуф)

Бу мисолда бир қараида сўз тартиби стилистик жиҳатидан хиазмга мос эмасдек кўринас-да, маъноси уни ташкил этувчи лексемаларнинг маънолари йиғиндисига тенг эканлиги кўнга ташланади. Иккинчи қисм таркибда охири сўзи йўқ бўлса-да, лекин семантик жиҳатдан

мавжудлиги аён. У шундай тарада шаклланади: "Ирмоқнинг охири – дарё. Дарёнинг охири деңгиз".

Лексик тақрор қисман бўлиши, яъни бутун гапта эмас, балки фақат асосга таъсир қилиши мумкин:

Не бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг,
Вафого вазда қилиб, ваздага вафо қилсанг. (А.Навоий).

Mieux vaut vivre sa mort que de mourir sa vie. (Bazin).

Ва, нисҳоят, хиазматик сўзлашува дастлабки 2 турни таъсирловчи ҳусусиятларга маъно ўзгариши қўшилади. Хиазмнинг чап томонида бир аниқ маънода қўлланган кўп маъноли сўз унинг ўнг томонида бошқа маънода тақрорланади: Кичикнинг каттаси бўлгунча, каттанинг кичиги бўл. (Мақол) Va pas croire que le juste milieu est le milieu juste (Bagnat).

Базан хиазмнинг бир қисмида янги маънонинг пайдо бўлиши иккинчисида пайдо бўлган фразеологик бириканинг этимологияси билан боғлиқ: Poule: Btt... Il fait un froid de canard. Canard: Vous avez bien raison, j'en ai la chair de poule (фольклор). Ўйин тақрорланувчи элементнинг эркин ва боғлиқлик маъноларининг тўқнашуви асосланган. Бошқа ҳолларда хиазматик сўз бирикмасидаги тақрорлаш фақат расмий туста эга: ўнг томонда фақат товуш шакли, чапда шилатиладиганга ўхшаш товуш комплекс тақрорланади, лекин аслида бу бутунлай бошқача омоним-сўз (кўпинча омоним) ёки ҳатто пароним: Айтганча, кичик аҳмоқ эмаски, тарчи аҳмоқлигини кичик. Il y a des toiles des maîtres et les mètres de toile (Labiche). Quand mon verre est vide. Je le plains: Quand mon verre est plein, je le vide (Ponchon).

Хиазматик сўзлашув мураккаброқ шаклга эга бўлиши мумкин, масалан, омонимия, паронимия, қисман тақрорлаш билан политемания қоринтириб юборади (контраминациялади):

Кичи мангу қолмас, мангудир оти,
Отин мангу қилган энгу сифати. (Юсуф Хас Ҳажий)

Жак Превертнинг куйидаги мисолида семантик жиҳатдан мураккаб хиазм омонимик жараён билан қоринтирилган, est dans – aidant: La mort est dans la vie/la vie aidant la mort/ la vie est dans la mort /la mort aidant la vie (Prévert). Энг кенг тарқалган - иккинчи турдаги хиазм.

Шундай қилиб, АВ/ВА А ва В формуласининг барча уч турни учун: биринчи ҳолатда, фақат хиазмнинг чап ва ўнг қисмларида турли лексемалар билан ифода-ланган жумла аъзолари, иккинчисида эса, лексемаларнинг ўнг ва чап қисмларида синтактик вазифалари ўзгариши билан тақрорланган ҳол, лексемалар (ёки лексемаларнинг илдизлари), учинчи ҳолатда, омоним ёки политематик лексемаларнинг чап ва ўнг қисмларида тақрорланган, синтактик вазифалари ва маъносининг ўзгаришини англатади.

Хиазмнинг ўнг ва чап қисмлари тўғ асл шаклти ифода-лайди (Чиройли эмас ...) ва ўзгартиради (... лекин етарлича чиройли) Трансформ хиазмда натижа сифатида эмас, балки жараён сифатида берилади.

Хиазмнинг лингвистик табиатини кўриб чиқиб, куйидаги дефиниция таърифини тактиф қилганимиз мумкин: Хиазм – трансформацион синтактик фигура бўлиб, унда трансформлар ҳам, асл шакл ҳам берилган ва трансформация бирдан учтагача вариантти ўз ичига олади: 1) акс симметрияси (тескари параллелизм) тамойили бўйича дастлабки шакл элементларини қайта жойлаштириш; 2) синтактик функциялар алмашинуви билан кўш лексик тақрорлаш; 3) кўп маъноли сўзнинг маъносини ўзгартириш ёки асл шаклдаги сўзлардан бирини унинг омоним билан алмаштириш.

Биринчи ҳолат оддий синтактик хиазм ҳосил қилиш учун зарур ва етарли бўлиб, учтаси биргаликда – хиазматик сўз бирикмасини ташкил қилади.

В. П. Корольков фигуралар орасида бирлаштирувчи фигуралар гуруҳида, яъни унинг ўша кичик гуруҳида хиазмга боғлиқликка ўрин берилиб, уни алим “ўхшашликни мустақамлашга шаклланиган фигуралар”, деб атайди [8]. Хиазмнинг бундай локализацияси эпитроларни келтириб чиқармайди.

Жакон Дрюба ва бошқалар (*Rhetorique générale*) таклиф қилган таснифга кўра, хиазм *suppression-adjonction* (ўчириш-қўйиш) кўш ҳаракати натижасида ҳосил бўлган фигуралар гуруҳига киради [1]. Бизнингча, бу таксономик тизимда унинг ўрни бу ерда эмас, балки жойини ўзгартириш йўли билан ҳосил қилинган фигуралар синфида жойлашгандек туюлади.

Ю. М. Скребнев хиазми синтагматик синтаксис ваколатига кирувчи тузилмалар доирасига жойлаштиради [11]. Агар Ю. М. Скребнев томонидан қурилган ички мантқиқда амал қилсак, Скребневнинг стилистик тизими, унга кўра синтагматик синтаксис парадигматикдан фарқ қилади, зеро у жумла тузилиши, таркиби ва таркибий хисмларини жойлаштириш муаммолари билан эмас, балки матнини ташкил этувчи жумлалар кетма-кетлиги билан шугулланади. Бу мантқиқ, сўнгга қўшни ёки ҳатто кўпроқ контекстан ажратилган жумлаларга қараганда бир ниборада тез-тез учрайдиган хиазмдир, бу парадигматик синтаксис билан ҳам боғлиқ.

Айинқас, В. П. Москвиннинг системадаги хиазм шакллари тўғрисидаги қараш диққатга сазовордир, у синтактик фигураларга хиазмнинг қиритилишига қатъийан эътироз билдиради. Унинг учун хиазм такрорлашнинг бир тури бўлиб, унинг шаклланишидаги асосий нўхта умуман синтактик тузилма эмас, балки гапдаги жараёнинг ўзгаришидир. Хиазм даражалараро хусусиятга эга, чунки уни яратишда нафақат синтактик, балки бошқа лингвистик даражаларнинг элементлари ҳам иштирок этади. Шунга кўра, В. П. Москвин талқинида хиазм қуйидагича товуш хиазми (фонетик хиазм ҳам дейиш мумкин – З.Б.) – Дароён ола бўлди, дарё бир бало бўлди. (Мақол); Пира қанда бўлмас, пароканда бўласан. (Мақол); лексик хиазм – Тақдирнинг ишини тadbир бузол-мас, тadbирнинг ишини тақдир бузбасан. (Мақол) Бировнинг айбини сенга айтган, сеннинг айбини ҳам айтар бировга. (Мақол). ва синтактик хиазм – Сенга лойиқ сўзга йўқ менда қалом, ўзинг ҳамд ўзингга, қаломим тамом. (Юсуф Хос Ҳажиб, “Қутаду билги”) турларини ажратади. У антиметатезга

грамматик жиҳатдан ўзгарувчан хиазми қўллайдди, хиазматик сўз бирикма-ларини эса антанаклаза билан уйғунлашган хиазматик такрор сифатида изоҳлайди. В. П. Москвин хиазм билан бир қаторда такрорлашнинг позиция турлари сифатида анафора, эпифора, симплеха, нлиб олиш, ҳалқа ва антистрофи (бошқа ҳалқа – эпанола, айтилганларни тескари тартибда такрорлаш) ҳисоблайди [8].

1) В. П. Москвин бошқа қўлиб тадқиқотчилар (жумладан, биз ҳам) қабил синтактик такрор деб атайдиган хиазмда, факультатив такрорлаш ва нима учун унинг сўзлар позиция такрорлашлар гуруҳига мансублиги аниқ эмас, ваҳоланки такрорлаш мажбурий хусусиятидир.

Ақлсиз – жаҳали, жаҳасиз – ақлсиз. (Мақол)

2) В. П. Москвин лексик деб атаган хиазмда синтактик вазифалар ўзгариши муқаррар ва шарт (унинг мисолида эга бевосита тўлдирувчи атамштирилганда, тўлдирувчи эса бевосита эгага айланади).

Меҳмон меҳбонга азиз, меҳбон – меҳмонга. (Мақол)

3) Хиазматик сўз бирикмаси синтактик функциянинг ўзгаришини ҳам ўз ичига олади, шу жумладан, хиазм антанаклаза билан уйғунлашган. Антанаклаза соф шаклда, яъни такрорланувчи сўзнинг маъносини ўзгариши билан такрорлаш, синтактик функцияларнинг мажбурий ўзгаришини англатмайди.

Болаларни шайтонлардан қўрқитмангиз,

Бобов келди, деб қўрқнаг бергитмангиз,

То улгайиб, дуч келганда “бобов”ларга,

Ўхшамасин итдан қўрққан соҳилларга. (Эркан

Воҳидов)

Антанаклаза билан хиазматик сўз бирикмалари синтактик функциялар алмашинувиони талаб қилади, масалан: Кичикнинг қаттаси бўлгунча, қаттанинг кичиги бўл мисолидаги қабил.

Хулоса ва таклифлар (*Conclusion/Recommendations*). Демак хиазмнинг шаклланишида соф синтактик ҳолатлар доим сезилиб туради ва улар хиазмнинг барча 3 турида устулик қилади, ammo синтактик даражада бўлганлари асосий ҳисобланади. Шунинг учун хиазми синтактик фигураларга қиритадиганларнинг бунига асослари етарли.

Бизнингча, хиазмнинг позиция ва синтактик фигураларга қиритилиши ўртасида енгил бўлмайдиган заҳдиёт йўқдек. Ҳаммаси ташланган нўхтан назарга боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Dubois J et al, Dictionnaire de linguistique. Paris: Larousse. 1973. 84
2. Nouveau Larousse illustré 1898: 349 (1), 777 (2)
3. Todorov I.T. Conformal invariant quantum field theory. – In: Strong interaction physics, Lecture Notes in Physics. – B.: Springer-Verlag. 1972: 353
4. Береговская Э.М. Язык художественной литературы и социальные диалекты (на материале современной французской прозы): Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. М., 1979, 1981;
5. Гаспаров М.Л. Современный русский стих. Метрика и ритмика. М., 1974: 275
6. Клюев Е.В. Риторика (Инация. Диспозиция. Элокуция). М., 1999
7. Кузнец М.Д., Скребнев Ю.М. Стилистика английской языка. – Л., 1960. 84
8. Москвин В. П. Стилистика русского языка. Теоретический курс. Ростов на Дону, 2006. 432-433
9. Никитина С.Е., Васильева Н.В. Экспериментальный системный толковый словарь стилистических терминов: Принципы составления и избранные словарные статьи. М.: Ин-т языковедения РАН, 1996.
10. Сковородникова А.П. Эпанола и Культура русской речи. Энциклопедический словарь - справочник / под . ред . Л.Ю. Иванова , А.П. Сковородникова , Е.Н. Ширяева . М. , 2003.
11. Скребнев Ю.М. Очерк теории стилистики. Горький, 1975. 143
12. Ўзбек халқ мақоллари. (Тузувчилар: Т.Мирзоев, А.Мусоқулов, Б.Саримсоқов; Масъул муҳаррир: Ш.Турдиева) – Т.: “Шарқ”, 2003. – 512 б.
13. Navoiy gulshani. To'plovchi: S.Abdulkarimov. – Toshkent: "O'zbekiston", 2016. – 168 b.
14. Чўлпон. Яна одим хотирини. / Кеча ва кундуз; Ерарнон; Шейрлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991. – 576 б.
15. Эркан Воҳидов. Табассум: шеърый мунотоба, лутфу латифалар. – Т.: Ашиер Навоий номидиги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. – 284 б.
16. Юсуф Хос Ҳажиб. Қутаду билги